

Ўз кучи ва
келажагига
ишонган
халқнинг бағри
кенг бўлади.



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

Ислом КАРИМОВ

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2012-yil 16-may, chorshanba № 39 (8480)

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ОДКБ ВА МДХ САММИТЛАРИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 15 май куни Москва шаҳрида Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг юбилей сессияси ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) Давлат раҳбарлари кенгашининг норасмий мажлисида иштирок этди.

ОДКБ Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессияси Кремлда давлат раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Сўнгра Ташкилотга аъзо мамлакатлар расмий делегациялари вакиллари иштирокида кенгайтирилган мажлис ўтказилди.

Кенгашнинг ушбу саммити Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги Тошкент шартномаси имзоланганига 20 йил ва ОДКБ ташкил этилганга 10 йил тўлган бир пайтда бўлиб ўтди.

Ўтган йиллар давомида Шартномага қўшилган мамлакатлар коллектив хавфсизлик тизимини шакллантириш бўйича мураккаб йўлни босиб ўтди. Собиқ Иттифоқ ҳудудига юзага келадиган кўплаб муаммоларни ҳал этиш борасида аъзо мамлакатларнинг амалий ҳамкорлиги бўйича катта тажриба тўпланди.

2002 йилда тузилган ОДКБ аъзо давлатларнинг ҳамкорлигини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда. Бугунги кунда ОДКБнинг терроризмга, наркотиклар ва қурол-яроғнинг ноқонуний савдосига, уюшган трансмилий жиноятчиликка қарши курашиш ва бошқа соҳаларни ўз ичига олган мақсадли вазибалари кўлами кенгайиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда.)

ТАРИХДАН САБОҚ ОЛИБ, ЗАМОН БИЛАН ҲАМҚАДАМ БЎЛИБ ЯШАШ — БУГУНГИ ҲАЁТНИНГ ЎТКИР ТАЛАБИ

Президент Ислом Каримовнинг интервьюсидан
келиб чиқадиган хулосалар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йил 9 май куни пойтахтимиз Тошкент шаҳрида Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган маросимда иштирок этиб, оммавий ахборот воситалари вакиллари саволларига жавоб қайтарар экан, мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг бугунги ва эртанги ҳаёти, жаҳонда ва ён-атрофимиздаги мавжуд вазият ҳақида ўта муҳим ва долзарб фикрларни баён этди.

Давлатимиз раҳбарининг бу чиқиши, унинг барча нутқ ва маърузалари каби, ўзининг долзарблиги, кенг қамрови, теран мантиқий асоси, амалий хулоса ва тақлифлари билан халқимиз, жамоатчилигимиз ўртасида катта қизиқиш уйғотди.

Мазкур суҳбатда, аввало, халқимизнинг фашизм устидан қозонилган ғалабага муносиб ҳисса қўшгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

“Агарки ана шу даҳшатли урушда 1,5 миллион юртдошимиз қатнашганини, шундан тахминан 500 минг ватандошимиз ҳалок бўлганини инобатга оладиган бўлсак, бу фожиа Ўзбекистондаги биронта хонадонни четлаб ўтмагани аён бўлади”.

Дарҳақиқат, бу рақамларнинг мағзини чақадиган бўлсак, улар халқимиз бошига тушган чексиз қайғу-алам ва изтироблардан далолат бериши ўз-ўзидан равшан бўлади.

“Орадан йиллар ўтади, замонлар ўтади, лекин халқимизнинг кўксидagi, қалбидagi мудҳиш уруш азоб-уқубатлари, айрилиқ яраси ҳеч қачон унутилмайди, — деди давлатимиз раҳбари. — Барча-мизнинг ишончимиз комил: фашизмга қарши курашда ўз она юртининг тинч,

осойишта ҳаётини, беғубор осмонини асраш учун мардлик, жасорат ва қаҳрамонлик кўрсатган, жон фидо этган юртдошларимизнинг хотираси абадий яшайди, халқимиз ўз ўғлонларининг азиз номларини миннатдорлик билан эслайди, уларнинг охирати обод бўлишини Яратганимиздан сўрайди”.

Ўтганлар хотирасини ўз ёдида сақлаб, эъзозлаб яшаш халқимиз учун энг муқаддас фазилат бўлиб келгани ва қон-қонимиз, суяк-суягимизга сингиб кетгани ушбу чиқишда алоҳида қайд этилди.

“Жаҳон тарихида даҳшатли из қолдирган, собиқ Совет Иттифоқида яшаган 27 миллион одамнинг умрига зомин бўлган, халқимизга қанча азоб-уқубатлар, йўқотишлар олиб келган, қанча аёлларнинг бева-бечора, қанча болаларнинг етим бўлиб қолишига сабаб бўлган бу ёвуз офатнинг ҳаётимизда қолдирган изи, асорати, вақт ўтса-да, даврлар ўтса-да, ҳеч қачон эскирмайди”, деган сўзлар аини ҳақиқатдир.

(Давоми 2—3-бетларда.)

ЭНГ НАМУНАЛИ ЁШ ОИЛАЛАР АНИҚЛАНДИ

«Туркистон» саройида «Энг намунали ёш оила» кўрик-танлови бўлиб ўтди



2012-yil — Mustahkam oila yili

4-бетга қараи

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

КИЧИК МУТАХАССИСЛАР САПОҲИЯТИ

УНИ ЮКСАЛТИРИШДА УҚУВ-ЛАБОРАТОРИЯ
ЖИҲОЗЛАРИНИНГ УРНИ МУҲИМ

5-бет

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ИМИЖИ

У ҚАНДАЙ БЎЛИШ КЕРАК?

10-бет

ОЗОДАЛИК ВА САРИШТАЛИК

ИШТИРОКЧИЛАРГА ҚУШНИЧА КҮЧ
БАҒИШЛАЙДИ

15-бет


МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ИМИЖИ

Соғломлаштириш ишлари қандай ташкиллаш-тирилади?

Ёз болалар учун энг севимли фасл. Бу даврда таълим масканлари ўқувчи-ёшлари таътилга чиқишса, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари жонажон боғчалари кўйида чиникишади. Мавсумни мароқли, қизиқарли ва фойдали ташкил этиш учун мактабгача таълим муассасалар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Республика ўқув-методика маркази томонидан ишлаб чиқилган «Мактабгача таълим муассасаларида ёзги соғломлаштириш ишларини ташкил этиш» бўйича методик тавсиясига биноан юрти-миздаги барча МТМларда режа асосида ишлар ташкиллаштирилди. Хусусан, соғломлаштириш профилактикаси учун болалар ҳаракат фаоллигини оширишда намунали ўйин майдончаларини, кўёш, ҳаво, оёқ ванналари, эрталабки бадантарбия машқлари, спорт мусобақаларини боғча ҳовлисида ташкил этиш белгиланган. Намунавий иш режасига кўра амалга ошириладиган тажрибаларни қўллаб-қувватлаш ва ободонлаштириш ишларида янгиликлар яратилиши ҳам болалар учун ёзнинг соз ўтишига хизмат қилади. Бу борадаги амалиётларнинг ўзига хос бўлиши ва муассасалараро ижобий рақобат муҳитини яратиш учун Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан «Мактабгача таълим муассасаси имижини» кўрик-танловини ўтказилди.

Тизимни янада такомиллаштириш, жамоатчилик орасида боғчалар нуфузининг ошишига эришишдан илғор, ташаббускор ва ижодкор жамоаларни аниқлаш, мактабгача таълим муассасалари иш тажрибаларини оммалаштиришни мақсад қилган танловда Тошкент шаҳридаги 100га яқин боғча олти йўналиш бўйича иштирок этишди. Хусусан, «Муассасанинг тарихи, урф-одатлари, ташқи атрибутлари», «МТМ таълимий ва ўйин хоналарининг дизайни», «МТМ ҳудудининг дизайни», «Муассаса раҳбари ва унинг жамоаси имижини, корпоратив маданиятини», «МТМ реклама фаолияти, жамиятдаги нуфузи», «Таълим ва хизматлар сифати, фаолият самарадорлигини» каби номинацияларда иш жараёнини ташкиллаштирган муассасалар фаолияти экспертлар гуруҳи томонидан жойларда

у қандай бўлиши керак?



ўрганилди. Бир-бирини такрорламайдиган, ўзига хос ёндашувдаги, болалар ривожланиши учун кўп қиррали жиҳатларни ҳисобга олган тажрибалар юзга чиқди.

Халқаро андозаларга мос

Юнусобод туманидаги 304-, 501-, Олмазор тумани ҳудудидagi 106-, Миробод туманидаги 60-, Ҳамза туманидаги 481- ва Чилонзордаги 534-МТМлар олий ўринларга муносиб кўрилди.

Кўрик-танловда қатнашган жамоалар амалга оширган ишлар афзалликлари билан яқиндан танишиш ниятида «Муассаса ҳудудининг дизайни» йўналишида биринчи ўринга лойиқ топилган Юнусобод туманидаги «Ҳилола» номли 307-мактабгача таълим муассасаси фаолиятига назар ташлади. Бир қарашда таълим муассасаси ҳудудидан унумли фойдаланилгани сезилади: ҳар бир гуруҳ учун ажратилган ҳудудда махсус ўйин майдончалари, кичик ўйингоҳ, автошаҳарча, ёзги сузиш ҳавзаси, экологик ва соғломлаштирувчи йўлакча барпо этилган. Ландшафт дизайни бўйича эса гуллар ва дарахтлар қулай жойга экилган. Ўйин майдончаларидаги жиҳозлар мустаҳкам ўрнатилган, павильонлар, соябонлар ёғочдан ясалган. Болалар ўйнайдиган кум ифлосланмаслиги учун кумдонлар қопқоқлар билан ёпилган. Майдончаларни бадийий безатишда эса оддийлик, қулайликка амал қилиниб,



болалар қизиқишлари ҳисобга олинган ҳолда эртак қажрамонлари уйғун рангларда ишланган. Кум ва сув маркази, спорт атрибутлари, воқеабанд ўйинлар, болалар меҳнат қилиши учун воситалар барча майдончаларда бор. Югуриш йўлакчалари, сакраш учун кумли гилам, автошаҳарчада эса чорраҳа, йўл белгилари, светофор, болалар транспортларидан машғулотларда тарбиячилар фойдаланишади. Кичик ҳайкалчалардан мақсадли қўлланилгани ҳам ҳовли дизайнига ўзгача тус берган. Замонавий ва ижодий ёндашган ҳолда эстетик ва барча талабларга тўлақонли жавоб берадиган боғча ҳовлисида болажонлар эркин ва фаол ҳаракатланиб, машғулотларни кўргазмалар асосида ўзлаштираётганлигини кузатдик.

— Таълим жараёнини изчил таъминлаш учун олиб бориладиган амалий ишлар-

нинг самараси ўлароқ, ушбу натижалар юзга чиқаётир. Муассаса ҳар томонлама рисоладагидек бўлса, ўзимизга, фарзандларимизга яхши, — дейди муассаса мудириси Румина Расулова. — Ҳолбуки, эндиликда бу борада ҳам ҳар қайси боғча халқаро андозаларга мос тарзда фаолият юритмоғи керак.

Пойтахтдаги бошқа намунавий таълим муассасалари каби «Ҳилола»да ҳам баҳор ойлари кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш тадбирлари амалга оширилганини пайкаш қийин эмас. Юзлаб мева ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилган. Шунингдек, гулзорларга янада яхшироқ эътибор қаратилиб, турли янги гул кўчатлари экилган. Ўйингоҳлар таъмирланишида меъморчилик ва санитар-гигиеник, соғломлаштириш талабларига риоя этилган.

— Айниқса, кўкаламзорлаштириш ишлари олиб бориладиганда кичкина болаларнинг дарахтлар тагига сув куйиш, гул кўчатларини экиш каби энгил ишларни ўзлари бажариши уларда меҳнатга ижобий муносабат шаклланиб, табиатга, атроф-муҳитга муҳаббат уйғонишига амалий таъсир воситаси бўлди, — дейди муассаса услубчиси Дилфуза Аҳмедова.

Уй каби шинам

Танловнинг «Муассаса тарихи, урф-одатлари, ташқи атрибутлари (номи, эмбле-

маси, ўзига хос кўриниши)» номинацияси бўйича Сергели туманидаги 552-МТМ биносининг фасади, ташқи кўринишининг стандарти, герби, мадҳияси, рамзи, шиори, дидактик брендлари тарихий буюмлар бурчаги юқори баҳоланган. Шунингдек, боғча иш юритиш ҳужжатлари, бланкалари, деворий газеталари ва ходимлар иш кийимлари, гуруҳлар расмлари коллажлари, ижтимоий лойиҳаларда қатнашганлиги ҳам мутахассислар томонидан эътироф этилди.

«МТМ таълимий ва ўйин хоналарининг дизайни» номинацияси бўйича ғолиб бўлган Олмазор туманидаги 106-МТМ фаолиятида ҳам намунали жиҳатлар кўзга ташланди. Миллий ижодиёт намуналари, болалар муаллифлик ишларининг кўргазмалари, гуруҳлардаги жиҳозларнинг жойлашуви ва улар функциясининг кўпқирралиги бурчакларнинг бири-бирига уйғунлиги, марказ-оролчаларнинг яратилганлиги янгилик бўлиши билан бир қаторда болалар учун қулай таълимий муҳит яратилди. Гуруҳдаги барча болалар биргаликда ўйнаши ва кичик гуруҳларда ишлашига шароит уларнинг ижтимоий ривожланиши учун туртки бўлади. Хонадаги ёруғлик ва рангларнинг ўзаро муносиблиги, мебелларнинг болалар ёши ва бўйи, психологиясига мослиги, ҳар бир дидактик материалнинг дастур талабларига мослиги ва маълум мақсадга йўналтирилганлиги ҳам болага бериладиган билим самарадорлигини оширади. Боғчада шинам уй шароитининг яратилганлиги ва опти-мал бойитилганлигини барча МТМларга ўрнак қилса арзиғулик.

Бола бамисоли ниҳол, қайси томонга қайирсангиз, ўша томонга қараб ўсади. Шунинг учун болага атаб қилинаётган ҳамма нарсалар ҳаётида ўз чизгиларини қолдиради. Айниқса, келтириб ўтганимиз каби мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг ҳар томонлама фаоллигини ошириш мақсадида олиб бориладиган ишлар эътиборга молиқ. Уларнинг иш тажрибасини республикамиз миқёсида оммалаштирса арзийди. Зеро, ҳозир камчиликлардан нолИБ ўтириш эмас, балки кўп қиррали фаолият юритиб, таълим муассасаларида намунали муҳитни яратиш пайти.

Насиба ЭРХОНОВА,
«Ma'rifat» мухбири



«ЎЗБЕКИСТОН» нашриёт-матбаа ижодий уйи



«Ўзбекистон» НМИУ корхонаси ташкилотларни ҳамкорликка таклиф этиб, ноширлик ва матбаа маҳсулотларининг барча турларини, жумладан:

- бадий ва болалар адабиёти;
- ижтимоий-сиёсий адабиётлар;
- энциклопедиялар;
- рангли-безакли маҳсулотлар (альбомлар, плакатлар, буклетлар, манзил папкалари ва бошқалар);
- рақамланган қатъий ҳисобда турувчи бланкалар, чек ва рўйхатта олиш китоблари;
- халқ истеъмоли молларини (импорт ўрнини босадиган), жумладан, А4 ва бошқа форматдаги офис-хўжалик қоғозларини, канцелярия китоблари ва бошқаларни ўзаро шартнома асосида, қисқа муддатларда, юқори сифат даражасида, келишилган нархда тайёрлаб беришини маълум қилади.

**Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон Республикаси,
100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30.**

Телефонлар: 244-34-01, 244-38-93, 244-87-55.

Факс: (3712)244-38-10, 244-37-81.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz Web: www.iptd-uzbekistan.uz

Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin ARIPIANOV, Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Farrux JABBOROV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Baxtiyor YOQUBOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



ИНДЕКС: 149, 150. Г-518.

Tiraji 49951.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqrit qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA,
Liliya BINASHEVA.

Navbatchi muharrir:
Behzod FAZLIDDINOV.
Navbatchi: Sherali NAMOZOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksionerlik kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxona manzili: «Buyuk Turon»
ko'chasi, 41-uy

UzA akxuni — 6.05
Topshirildi — 6.40